

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУМАНОВ АЗАМАТ НОРБУТАЕВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ ОЛДИ МИНТАҚАЛАРИДА
УЗУМНИ МАҲАЛЛИЙ ОҚИМ СУВЛАРИ БИЛАН ТОМЧИЛАТИБ
СУҒОРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехкончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Жуманов Азамат Норбутаевич

Қашқадарё вилоятининг тоғ олди минтақаларида узумни маҳаллий
оқим сувлари билан томчилатиб суғоришнинг самарадорлиги..... 3

Жуманов Азамат Норбутаевич

Эффективность капельного орошения винограда с локальным стоком в
предгорьях Кашкадарьинской области..... 21

Jumanov Azamat Norbutayevich

Efficiency of drip irrigation of grapes with local runoff in the foothills of the
Kashkadarya region..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУМАНОВ АЗАМАТ НОРБУТАЕВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ ОЛДИ МИНТАҚАЛАРИДА
УЗУМНИ МАҲАЛЛИЙ ОҚИМ СУВЛАРИ БИЛАН ТОМЧИЛАТИБ
СУҒОРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T1038 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исаев Сабиржан Хусанбаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Икрамов Рахимджан Каримович

техника фанлари доктори, профессор

Норкулов Усмон

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 й «28» январь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz.)

Диссертация билан «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (204 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй.Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2022 йил «12» январь кунини тарқатилди.
(2022 йил «12» январь даги 204 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Султонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А.Гаппаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.Х.Хамидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сув манбалари ва захираларининг камайиб бораётган бир даврда сув тежовчи технологияларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 100 миллион гектардан ортиқ узумзор мавжуд бўлиб, шундан 60 фоизга яқини тоғ олди минтақаларида жойлашган»лигини инобатга олсак, боғ ва узумзорларни суғоришда сувдан тежамли фойдаланиш имконини берадиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишни тақоза этади.¹ Шу жиҳатдан, тоғ олди минтақаларда узумзорларни суғоришда маҳаллий оқим сувларни йиғиб, томчилатиш орқали суғориш технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда узум етиштиришда муқобил сув манбаларидан фойдаланиш ва суғориш сувини тежаш имконини берадиган технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, тоғ олди минтақаларида доимий оқар сув манбаларининг чекланганлигини ҳисобга олиб, қор ва ёмғирлардан шаклланадиган маҳаллий оқим сувларидан фойдаланишни таъминлайдиган тежамкор суғориш усуллари ва уларни амалга оширадиган қурилмаларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу сабабли ГАТ технологияларидан фойдаланиб тоғ олди минтақаларида қор ва ёмғир сувлари шаклланишини аниқлаш ва сувни сунъий кичик ҳовузларда тўплаб, ёз мавсумида узумларни паст босимли томчилатиб суғориш усулида суғориш меъёрлари ва тартибларини асослаш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув танқислигини салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида маҳаллий оқим сувлари билан боғ ва узумзорларни суғоришда сувдан тежамли фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш, сув ресурсларидан самарали фойланиш орқали узумзорлардан юқори ҳосилдорликка эришиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «.....қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, республикамиздаги тоғ олди минтақаларидаги суғориладиган ерларни суғоришда маҳаллий оқим сувларини тўплаш ва сув танқислигини олдини олишнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида, 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сон

1 <https://www.un.org/ru/sections/issues-depth/water/index.html>

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

«Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»³, 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4995-сон «2021 - 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ худудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁴, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁵ қарорлари ҳамда 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси» тўғрисидаги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориш усуллари ва технологияларини илмий асослари бўйича А.Н.Костяков, С.Ф.Аверьянов, А.А.Рачинский, Қ.М.Мирзажанов, Б.Ф.Қамбаров, Ф.М.Рахимбаев, Н.Ф.Беспалов, Г.А. Безбородов, М.Х.Ҳамидов, Р.К.Икрамов, Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев, А.Исашев, С.Х.Исаев, В.А.Духовный ва бошқа қатор олимлар изланишлар олиб боришган.

Тоғ олди минтақаларининг суғориладиган майдонларда сув танқислигини юмшатиш ва сувдан самарали фойдаланишда узум етиштириш бўйича тадқиқотларни В.Х.Арст, А.Ж.Атаков, А.М.Вахобов, Е.Ю.Галиулина, С.С.Зухриддинов, И.К.Кулинич, Н.В.Курапина, В.В.Кудряшова, Д.Е.Кучер, Н.К.Нурматов, С.Е.Нуржанов, Б.Т.Туруспаев, И.Ж.Худаев, А.Ж.Атаканов, М.С.Григорев, О.Е.Ясониди, А.У.Собитов ва бошқа олимлар олиб боришган.

Бугунги кунда юқорида номлари қайд этилган олимлар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида маълум илмий натижаларга эришилган. Бироқ глобал иқлим ўзгариши ва сув танқислигининг ошиб бориши шароитида Қашқадарё вилоятининг тоғ олди минтақаларидаги узумзорларни суғоришда маҳаллий оқим сувларини шаклланишини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш бўйича етарлича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

3Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сон.

4Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021 — 2023 йилларда сурхондарё вилояти узун тумани боботоғ худудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4995-сон қарори.

5Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 11 декабр 2019 йилдаги 4549-сон қарори.

механизациялаш мухандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларни оқилона бошқариш, улардан сув тежамкор технологиялар асосида фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш» (2015-2018 йй.) топшириғи доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – ортиб бораётган сув танқислиги шароитида Қашқадарё вилоятининг тоғ олди минтақаларида узумзорларни маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғориш усулининг самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

узумни суғоришда фойдаланиш учун маҳаллий оқим сувларининг шаклланишини геоахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда аниқлаш;

маҳаллий оқим сувларининг тўпланиш жараёнини математик моделлаштириш;

узум навларини маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғориш технологиясидаги суғориш тартиблари ва сув истеъмолларини аниқлаш;

узум етиштирилаётган тажриба даласининг сув мувозанати ва унинг элементларини аниқлаш;

узум навларини маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғориш усуллари ва суғориш тартибларининг иқтисодий самарадорлиги аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилояти бўз тупроқлари, узумнинг «Қора Кишмиш» ва «Пушти Тойфи» навлари, маҳаллий оқим сувлари ҳамда узумни томчилатиб суғориш усули ва тартиби олинган.

Тадқиқотнинг предмети узумзорларни маҳаллий оқим сувлари билан паст босимли томчилатиб суғориш технологияси ва тартибларини тупроқнинг сув физик хоссаларига, сув ресурсларини иқтисод қилинишига ҳамда узумнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида ТИҚХММИ, ИСМИТИ, ПСУЕАЙТИ да ишлаб чиқилган дала тажрибалари олиб бориш услубиятлари ҳамда академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг «Узум етиштириш ва майиз қуритишнинг замонавий технологиялари» да келтирилган услублар асосида ҳамда математик статистика услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тоғ олди минтақаларда узумни маҳаллий оқим сувлари билан суғориш учун геоахборот технологияларини қўллаб, Normalized-Difference Snow Index асосида маҳаллий оқим сувлари шаклланиши ва уларнинг сув захираси (ресурс) аниқланган;

маҳаллий оқим сувларини антифилтрация қопламали ҳовузларда тўплаб узумзорларни паст босимда томчилатиш асосида суғориш усули ишлаб чиқилган;

тоғ олди минтақаларда узумни маҳаллий оқим сувлари билан паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғориш тартиблари ва сув истеъмоли меъёрлари аниқланган;

маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғориш технологиясида узум етиштирилаётган даланинг сув мувозанати ва суғориш техникаси элементларининг ҳосилдорликка таъсирини баҳолаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилояти тоғ олди минтақаларидаги бўз тупроқлари ва чекланган сув ресурслари шароитида узумнинг «Қора Кишмиш» навини маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғориш, бунда суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 60-65-60 % да ушлаб туриб, суғоришларни 2-3-2 тизимда, суғориш меъёрлари 170-200 м³/га ва мавсумий суғориш меъёрлари 1283-1910 м³/га да суғориш натижасида назоратга нисбатан 627 м³/га га кам ёки 33 % сув ресурсларини иқтисод қилиниб, юқори 17,7 ц/га ҳосил олинган;

Узумнинг «Пушти Тойфи» навини маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғоришда тупроқнинг суғориш олди намлигини ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % да ушлаб туриш, ундан 20,8 т/га ҳосил олиш имконини берди ва бу эгатлаб суғорилган назорат вариантыга нисбатан 5,6 т/га га ёки 24 % га юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибалари бажаришнинг умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, олинган назарий натижаларнинг дала тадқиқот натижаларида тасдиқланганлиги, ҳисоблашлар статистик ва математик моделлаштириш усулларига асосланганлиги, математик маълумотларга ишлов беришда Delphi дастурини қўлланганлиги, тажриба натижаларини бошқа олимлар томонидан олинган натижалар билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти глобал иқлим ўзгариши ва сув танқислиги шароитида Қашқадарё вилоятининг тоғ олди минтақаларидаги бўз тупроқларида узум навларини етиштиришда маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғориш технологияси ва суғориш тартибларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти сув танқислиги шароитида Қашқадарё вилоятининг тоғ олди минтақаларидаги бўз тупроқларида узум навларини маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғориш технологияси ва суғориш тартибларини қўллаш сув ресурсларини эгатлаб суғоришга нисбатан 16% га тежалиши ҳамда узум навлари ҳосилдорлигини 2,5 ц/га га ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилоятининг тоғ олди минтақаларида узумни маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғоришнинг самарадорлиги бўйича олинган натижалар асосида:

тоғ олди худудларида узумзорларни маҳаллий оқим сувлари билан тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% да ушлаб туриб суғориш усули Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ирригация тизимида узумларни суғоришда жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил

24 февралдаги 04/20-689 сонли маълумотномаси), натижада, узумзорлардан гектаридан назоратга нисбатан 3-5 центнер кўшимча ҳосил олиш ва мавсумий суғориш меъёрини 18-20% га тежашга эришилган;

тоғ олди ҳудудларида узумзорларни маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғориш технологияси Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 февралдаги 04/20-689 сонли маълумотномаси), натижада минерал ўғитларни сувда эритилган ҳолда берилиши ҳисобига сув ва минерал ўғитлар 50% иқтисод қилиш ва узумзорнинг ҳар гектаридан 1525-1780 минг сўм даромад олиш имконияти яратилган;

маҳаллий оқим сувларини йиғиш орқали томчилатиб суғориш тартиблари жорий этилган Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани сув истеъмолчилар уюшмасида узумзорларни суғоришда жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 февралдаги 04/20-689 сонли маълумотномаси), натижада, тоғ олди ҳудудларида узумзорларда 1,3-2,1 ц/га га ҳосилнинг ошишига ва сув ресурсларининг 10 % га тежалишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти илмий асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Олиб борилган тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши ва апробацияда ижобий баҳоланганлиги, чоп этилган илмий ишлар, қолаверса диссертациянинг тузилиш тартиби бўйича қисқа маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суғориладиган майдонларда сув ресурсларидан тежамли фойдаланишга оид илмий адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқот ва олинган натижалар, хулоса ва таклифлар, адабиётлар шарҳи, илмий манбалардан олинган тадқиқот натижалари батафсил ёритилган.

Глобал иқлим ўзгариши таъсирида сезилаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сув тежовчи технологиялар қўллаш ҳамда шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги кунда долзарб масаладир. Ушбу йўналишда кўпгина олимлар изланишлар олиб боришган, жумладан: Костяков А.Н., Аверьянов С.Ф., Абуталиев Ф.Б., Нерпин С.В., Роде А.А., Скобельцын Ю.А., Джавакянц Ю.М., Мирзажанов Қ.М., Нурматов Ш.Н., Безбородов Г.А., Духовный В.А., Ҳамидов М.Х., Икрамов Р.К., Серикбаев Б.С., Исаев С.Х., ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган ҳамда маълум натижаларга эришилган.

Илмий изланишлар натижасида дунё ва республикамиз ҳудудларида кўп йиллар давомида деҳқончилик қилишда экинлар асосан эгатлаб суғорилиб келинган. Шу сабабли сув тежамкор суғориш техникаси элементлари ва технологияларини ишлаб чиқиш бўйича Суринов В.А., Кондо И.Н., Қамбаров Б.Ф., Безбородов Г.А., Исашев А., Нурматов Н., Собитов А.У., Худоев И.Ж., ва бир қатор олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлари бўйича сув танқислиги шароитида тежамкор суғориш технологияларни, жумладан дарё ва насос ёрдамида олинган сувлар билан суғоришга жалб этиш мумкинлигини таклиф этишган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқлим ўзгариши, сув танқислигини ошириб бориши, жумладан Қашқадарё вилоятининг тоғ олди минтақалари шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, узумдан юқори ҳосил олишда маҳаллий оқим сувларини тўплаш орқали, илмий асосланган суғориш усуллари ва суғориш тартибларини амалга оширувчи суғориш технологияларини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Қашқадарё вилоятининг табиий-хўжалик, иқлим, тупроқ-мелиоратив ҳолати**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотлар ўтказилган вилоятнинг иқлим шароитлари, табиий – хўжалик, геология – гидрогеология шароитлари, тупроқ – мелиоратив, дала тажриба ишларини ўтказишни илмий – амалий асослаш. Бунда, тажриба ўтказилган ўтлоқи бўз, ўрта қумоқ тупроқлари шароитида олинган натижалари баён қилинган.

Бунда, тажриба ҳудуднинг намланиш коэффициентини ҳисоблаш формуласига мувофиқ ўн кунлик даври қуйидаги формулада ҳисобланади (1-формула):

$$KY = \frac{\sum O_c}{0,45 \cdot \sum d}; \quad (1)$$

бунда: $\sum O_c$ – ойлик ёғингарчилик миқдори, мм;

$\sum d$ – ҳаво намлигининг сув танқислиги йиғиндиси, мб.

Атмосфера ёғинлардан ҳудуднинг табиий намлигини тавсифлаш кўрсаткичлари қуйидаги формулада ҳисобланади (2-формула):


$$ГТК = \sum R / 0,1 \cdot \sum t; \% \quad (2)$$

бунда: $\sum R$ – ёғинларнинг умумий йиғиндиси 10 °С дан юқори ҳароратда;


$\sum t$ – ўртача ҳароратни йиғиндиси нисбатан тақсимланиши.

Шунингдек, 2015 – 2017 йилларнинг об-ҳаво маълумотлари бўйича ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик миқдори, ҳавонинг нисбий намлиги, намликнинг


етишмаслиги ва амал давридаги фойдали хароратнинг йиғиндиси хақида маълумотлар келтирилган (1, 2, 3, 4 - расмлар).




1-Расм. Ҳаво ҳарорати, °C



2-Расм. Ёғингарчилик миқдори, мм



3-Расм. Ҳавонинг нисбий намлиги, %



4-Расм. Намликнинг етишмаслиги, м³

Тадқиқот олиб борилган маълум даврда ёққан ёғинларнинг миқдори билан буғланувчанлик нисбати ҳисобга олинди. Тадқиқот ўтказилган ҳудудларда табиий намгарчилик ресурслари таъминоти ва Селянинов Г.Т. (ГТК), Шашко Д.И. (НК) ҳамда (Бабушкин Л.Н.) ўртасидаги ўзаро муносабатлари бўйича гидрометеорология марказининг «Шаҳрисабз» метеостанция маълумотларига таянган ҳолда амалга оширилди. Ўрганилаётган ҳудудда ҳаво ҳарорати +10 °C дан ортиқ бўлган совуқсиз кунлар, йил давомида ўртача 224-270 кунни ташкил этиб, йиллик самарали ҳарорат йиғиндиси 4750-5250 °C гача кузатилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқлим ўзгариши ҳисобига кўра маҳаллий оқим сувларини тўплаш орқали тоғ олди минтақалардаги суғориш усуллари орқали сувга бўлган талабини юмшатиш ишлари амалга оширилди.

Диссертациянинг «Тажриба ўтказиш объекти, тизими, услуби ва агротехник тадбирлар тавсифи» деб номланган учинчи бобида, тажриба даласи Геофазовий боғланган дала тадқиқот ишларини олиб боришда жойни гидрометеорологик маълумотларига асосланган ҳолда масофадан зондлашни қўллаган усул орқали космик суратларни ArcGIS дастурида ёрдамида электрон харита ишлаб чиқиш ишлари олиб борилди. Тажриба ҳудудининг 2015 йилдан 2018 йилгача космик суратлари йилнинг маълум даврида (Landsat-8) олиниб, ArcGIS дастури ёрдамида маҳаллий оқим сувларини шаклланишини таҳлили амалга оширилди (NDSI: Normalized-Difference Snow Index). ГАТ технологиялари ёрдамида маҳаллий оқим сувларининг шаклланишини геомаълумотлар харитасини ишлаб чиқиш ва масофадан зондлаш космик снимкалар қуйидаги 1-жадвал асосида таҳлил қилинди.

Landsat-8 OLI космик суратларини спекторал қатламлари (Манба:


www.usgs.gov



Landsat-8 OLI and TIRS Bands (µm)		
30 m Coastal/Aerosol	0,435 - 0,451	Band 1
30m Blue	0,452 - 0,512	Band 2
30m Green	0,533 - 0,590	Band 3
30m Red	0,636 - 0,673	Band 4
30mNIR	0,851 - 0,879	Band 5
30m SWIR-1	1,566 - 1,651	Band 6
100m TIR-1	10,60 - 11,19	Band 10
100m TIR-2	11,50 - 12,51	Band 11
30m SWIR-2	2,107 - 2,294	Band 7
15m Pan	0,503 - 0,676	Band 8
30m Cirrus	1,363 - 1,384	Band 9

Дала тадқиқот натижасида аниқланган ахборотлар геомаълумотлар базасига интеграция қилиниб геостатистик таҳлиллар амалга оширилди ва рельеф кесимида контурлар визуаллаштирилди (5-расм).



5-Расм. Космик суратларни ГАТ технологияси қўллаган ҳолда таҳлили





6-Расм. ArcGIS дастурида космик суратни геофазовий боғлаш билан қор қопламани таҳлил харитаси

Шахрисабз метрологик станция маълумотларини таҳлил натижасида иқлим кўрсаткичлари яъни қор ва ёғингарчилик ҳолатини картаси ўрганилди (6-расмда). Қашқадарё вилояти тоғ олди минтақаларида узумни суғоришда маҳаллий оқим сувларини тўплаш ҳамда сув тежамкор технологиялар қўллаш мақсадида геостатистик таҳлиллар ўрганилган космик сўёмка натижасини **Landsat-8 OLI** космик суратларини спекторал қатламлари (Манбаъ: www.usgs.gov) бўйича қуйидаги формуладан ҳисобланади (3-формула):

$$NDSI = \frac{(Green - SWIR)}{(Green + SWIR)} ; \quad (3)$$

бунда: NDSI - кўринадиган (яшил) ва қисқа тўлқинли инфрақизил (SWIR) орасидаги рефлектор фарқининг нисбий катталигининг ўлчовидир. У иккита диапазоннинг тарқалишини бошқаради (бири яқин инфрақизил ёки қисқа тўлқинли инфрақизил, иккинчиси кўринадиган).

Геофазовий боғланган дала тадқиқот ишларини олиб боришда жойни гидрометеорологик маълумотларига асосланган ҳолда масофадан зондлашни

қўллаган усул орқали космик суратларни ArcGIS дастурида ёрдамида электрон харита ишлаб чиқилди. Сув баланси усули асосида кўриб чиқилаётган масалани моделлаштириш X-Y икки ўлчовли фазода амалга оширилади, ўлчовли геометрик орқали X- ўқи қиялик бўйлаб, Y ўқига нисбат орқали аниқланади. Сув мувозанат усули қуйидаги сақлаш қонунига кўра ўрганилаётган сирт билан қопланган қор қопламани ҳовуз ичидаги сув, сув миқдорини ҳисоблаш, ушбу хажм ичидаги миқдорнинг кўпайишига (ёки камайишига) тенг бўлиши бўйича ўзгариш жараёни ва ҳисобга олинган хажмдаги намликни аниқлашни қуйидаги формуладан ҳисобланди (4-формула):

$$U = X + Y_1 + Z_1 + W_1 - Z_2 - Y_2 - W_2 - V_2 \quad (4)$$

бунда: X -ҳисобланган вақт оралиғида тушган маҳаллий оқим сувларини шаклланиш миқдори, мм; Z_1 -тупроқдаги ва унинг юзасидаги конденсацияланадиган намлик миқдори, мм; W_1 - ер ости оқими орқали олинган сув миқдори, m^3 ; Y_1 -ер усти оқимлари (канал ва қиялик оқими) орқали сув миқдори, m^3 . Ўрганилаган хажмда намликни истеъмол қилиш қуйидаги усуллар билан амалга оширилади: Z_2 - нинг сув, қор, тупроқ, ўсимлик барглари орқали буғланиши мм; W_2 - сувнинг ер ости оқими m^3 ; Y_2 - сувнинг сирт оқимлар орқали оқиши (канал ва қиялик оқими) m^3 ; V_2 -фермер хўжалигида сувдан фойдаланиш. U- ҳовуздаги намлик захирасининг ўзгариши. Қабул қилинган белгиларга мувофиқ ихтиёрий контур ва ихтиёрий вақт оралиғи учун намлик балансининг умумий тенглама шаклда ёзилади.

Тажриба майдонида маҳаллий оқим сувларини шаклланиши қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади. Сен-Венан тенгламаси орқали тупроқга сингиш коэффициентларини ўрганадиган ёрдамчи тенглама орқали таҳлил қилинди. H чуқурлигини P оқимига боғлайдиган математик модел (5-6-7-формулалар).

$$\frac{\partial H}{\partial t} = \frac{\partial P}{\partial x} + \frac{\partial P}{\partial y} - f + u, \quad (5)$$

$$\frac{\partial f}{\partial t} = -k_1 f + k_2, \quad (6)$$

$$P = \begin{cases} T_1 \left((1 + T_2 t g i)^a - 1 \right), & i \geq i_0 \\ 0, & i < i_0 \end{cases} \quad (7)$$

бунда: f – тоғ олди минтақасидаги қор қопламани сўрилиш даражасини кўрсатадиган функция; u – маҳаллий оқим сувларини шаклланиш манбаи; k_1 – тупроқдаги намланиш коэффициенти; k_2 – қор қопламани ва ёғин сувларини сингиш тезлигини кўрсатадиган коэффициент; H – маҳаллий оқим сувларини шаклланиш баландлиги; H_0 – маҳаллий оқим сувларини табиий

даражаси; $t g i = \sqrt{\left(\frac{\partial H}{\partial x}\right)^2 + \left(\frac{\partial H}{\partial y}\right)^2}$; i – мойиллик бурчаги; T_1, T_2, a – маҳаллий

оқим сувлари оқимининг хусусиятлари. (5)–(7) Математик модели дифференциал тенгламалар системаси, унинг ечими учун Эйлер – Коши усули ёрдамида аниқланади. Маҳаллий оқим сувларини шаклланиши ўрганилаётган

дала тадқиқотларининг қулайлиги учун Delphi интеграциялашган дастурий муҳитида ёғин сувларини тўпланишини моделлаштириш учун компьютер дастури ишлаб чиқилди.

Узумнинг илмий асосланган суғориш тартибини аниқлаш бўйича тажриба далаларидаги изланишларнинг вариантлари ва қайтариқлари ПСУЕАИТИда қабул қилинган услубларга биноан далаларда жойлаштирилди ҳамда барча кузатувлар, изланишлар ва ҳисоблашлар ПСУЕАИТИда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган услубиётлар асосида олиб борилди. Тажрибалар қуйидаги тартибда амалга оширилди (2 – жадвал).

2 – жадвал.

Ўтказилган дала тажриба тартиби

№	Вариант, суғориш усуллари	Узум нави	ЧДНС га нисбатан суғориш олди намлиги, %	Ривожланиш фазалари		
				куртак-дан-гуллашгача	гуллашдан-ғужумгача	ғужумдан-пишишгача
				Ҳисобий қатлам, см		
1	Назорат (эгатлаб суғориш)	Қора	60-65-60	0-70		
2		Кишмиш	70-75-65			
3		Пушти	60-65-60			
4		Тойфи	70-75-65			
5	Томчила-тиб суғориш	Қора	60-65-60	0-70		
6		Кишмиш	70-75-65			
7		Пушти	60-65-60			
8		Тойфи	70-75-65			

Тажриба далаларида қўлланилган агротехник тадбирлар Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ва ПСУЕАИТИнинг илмий асосланган деҳқончилик тизими асосида олиб борилди. Узум навларининг илмий асосланган суғориш тартибини экин майдонларида амалга оширувчи сув тежамкор эгатлаб суғориш технологияларини аниқлаш бўйича тажриба далаларидаги барча кузатувлар, изланишлар ва ҳисоблашлар ПСУЕАИТИ, ТИҚХММИ ва ИСМИТИ (собик САНИИРИ)да ишлаб чиқилган ва тасдиқланган услубиётлар асосида олиб борилди.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари ҳамда уларнинг таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида, тажриба даласи тупроғининг морфологик тавсифи, механик таркиби, суғориш усуллари ва тартибларининг тупроқдаги сув-физик хоссалари, тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, тупроқ таркибидаги озик моддаларнинг ўзгариши, узум навларини маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғориш тартибларини, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, тупроқ намлигига, суғориш тартибига, муддатлари ва меъёрларига, унинг ўсиб, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди.

Тупроқнинг ҳажмий массасида ўсув даври боши ҳамда ўсув даври охирига келиб, суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда сезиларли катта ўзгариш кузатилмади, лекин суғориш усулига боғлиқ ҳолда ўзгаришлар сезиларли даражада бўлди, эгатлаб суғориш усулида барча қатламлар бўйича ўсув даври охирига келиб 0,01 – 0,03 г/см³ га камайганлиги кузатилди. Суғориш тартиби

ЧДНСга нисбатан 60–65–60% ва 70–75–65% тартибларида, тупроқнинг намлиги унинг абсолют оғирлигига нисбатан олиб борилди. Шундан кўриниб турибдики, баҳорги, яъни вегетация бошида узум етиштирилаётган дала майдонининг 0–70 см қатламини намлантириш учун сув берилганда, тупроқдаги намлик миқдори унинг оғирлигига нисбатан 18,2% атрофида, 0 – 100 см қатламда эса 19,7% атрофида бўлиши керак. Тавсия этилган суғориш режимида суғориш тупроқ намлигининг пасайиши билан 0 – 70 см 75% гача, ва суғориш вақти Штоико Д.А. тавсиясига кўра Шахрисабз метеостанция об-ҳаво маълумотлари билан аниқланди (8,9-формулалар)..

$$E_B = \sum t \left(0,1\bar{t}_c - \frac{\bar{a}}{100} \right); \quad (8)$$

$$E_B = \sum t \left[0,1\bar{t}_c + \left(1 - \frac{\bar{a}}{100} \right) \right]; \quad (9)$$

бунда: E_B – давр учун ўсимликнинг буғланиши, \bar{t}_c ва \bar{a} – давр учун кунлик ўртача ҳарорат, ва намлик, $\sum t$ – даврдаги ўртача кунлик ҳарорат йиғиндиси. 0 – 70 см қатламда тупроқнинг энг кичик намлик сиғими 25,3%, 0 – 100 см қатламда 24,4%, ҳажм зичлиги мос равишда 1,28 ва 1,34 г/см³ ни ташкил қилди. Суғоришнинг аниқ даражаси m_H қуйидаги формула билан аниқланди (10-формула):

$$m_H = (W_{HB} - W_{np}) \cdot h \Delta \cdot 100; \quad (10)$$

бунда: $W_{HB} - W_{np}$ – энг кичик намлик сиғими ва оптимал суғориш намлиги, қуруқ тупроқ массасининг %; h – ҳисобланган намлаш қатлами, м; Δ – ҳисобланган намлаш қатламининг ҳажмли массаси, г/см³. С.Н.Рижовнинг қуйидаги формуласи орқали ҳисобланди (11-формула):



$$M = 100 \cdot h \cdot d \cdot (W_n - W_m) + K \text{ м}^3/\text{га} \quad (11)$$

бунда: W_n – тупроқ оғирлигига нисбатан чекланган дала нам сиғими, %; W_m – тупроқ оғирлигига нисбатан суғоришдан олдинги абсолют намлик, %; h – суғорилаётган майдоннинг намланиш чуқурлиги, м; d – суғорилаётган майдоннинг ҳисобий қатламдаги ҳажм массаси, г/см³; K – суғориш даврида буғланишга сарфланган сув сарфи коэффиценти, (ҳисобий қатламда етишмаган намликнинг 10 – 15%).

2015 йил 1-вариантни суғориш олди тупроқ намлиги чегаравий дала нам сиғимиганисбатан 60–65–60 % тартибда мавсумий суғориш меъёри 1800 м³/га, шу усулда томчилатиб суғоришда 1120 м³/га ёки назорат вариантыга нисбатан 680 м³/га сув кам берилган бўлса, узумни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–65 % тартибдаги эгатлаб суғорилган назорат вариантыда мавсумий суғориш меъёри 1950 м³/га, шу усулда томчилатиб суғорилганда 1530 м³/га ёки назорат вариантыга нисбатан 420 м³/га сув кам сарфланганлиги аниқланди.

1-вариантини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–65–60 фоиз тартибда ўртача уч йилда мавсумий суғориш меъёри 1910 м³/га, шу усулда томчилатиб суғоришда 1283 м³/га ёки назоратга нисбатан 627 м³/га сув кам берилган, узумни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–65 % тартибдаги эгатлаб суғорилган назорат вариантыда ўртача уч йилда мавсумий суғориш меъёри 2037 м³/га, шу усулда узумни томчилатиб

суғорилганда 1680 м³/га ёки назоратга нисбатан 357 м³/га сув кам сарфланганлиги кузатилди (7,8-расмлар).



7-расм. ЧДНСга нисбатан 60-65-60 фоиз узумни томчилатиб суғориш меъёрлари. **8-расм. ЧДНСга нисбатан 70-75-65 фоиз узумни томчилатиб суғориш меъёрлари.**

Тажриба майдонида узум навларининг суғориш усуллари ва суғориш тартиблари бўйича физиологик кузатувигога таъсири ўрганилди.

Узумнинг «Қора Кишмиш» навини маҳаллий оқим сувлари билан суғориш олди тупроқ намлиги чегаравий дала нам сиғимиго (ЧДНС) нисбатан 60-65-60 фоизда эгатлаб суғорилган назорат вариантыда ўртача уч йилда узум боши оғирлиги 423 граммни, шу усулда томчилатиб суғорилганда 452 граммни, узумни эгатлаб суғорилганда 402 граммни, шу усулда томчилатиб суғорилганда 410 граммни ёки назорат вариантыга нисбатан 8-29 грамгача юқори бўлганлиги аниқланди ва шунга ўхшаш маълумотлар «Пушти Тойфи» навини томчилатиб суғорилганда назорат вариантыга нисбатан 9-25 грамгача юқори бўлганлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Узум навларини маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғоришнинг ҳосилдорлигига таъсири

Вар.	Узум боши оғирлиги, г				Туп ҳосили, кг				Ҳосилдорлик, т/га			
	2015	2016	2017	Ўр.	2015	2016	2017	Ўр.	2015	2016	2017	Ўртача ҳосил,
ЧДНСга нисбатан 60-65-60												
1	430	404	435	423	29,2	16,2	17,8	21,0	13,5	12,4	13,8	13,2
2	460	433	464	452	31,2	17,3	19,0	22,5	16,6	16,5	16,3	16,5
3	407	390	409	402	27,7	15,6	16,8	20,0	13,3	13,5	13,4	13,4
4	415	397	417	410	28,2	16,1	17,2	20,7	17,4	17,8	17,9	17,7
ЧДНСга нисбатан 70-75-65												
5	410	394	412	405	27,9	15,8	16,9	20,2	14,4	14,7	14,9	14,7
6	420	400	422	414	28,9	16,0	17,3	20,7	18,8	19,0	19,4	19,1
7	377	375	372	369	26,3	14,9	16,0	19,0	14,4	15,8	15,4	15,2
8	400	380	402	394	27,2	15,2	16,5	19,6	19,8	21,2	21,3	20,8

Узумни эгатлаб суғориш назорати 5-7 вариантларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % тартибдаги узум ҳосили 14,7-15,2 тонна/га ни, шу усулда узумни томчилатиб суғорилган 6-8 вариантларда 19,1-20,8 тонна/га ёки назорат вариантыга нисбатан томчилатиб суғорилганда ҳар иккала узум навидан 4,4-5,6 тоннага қўшимча ҳосил олишга

эришилган. Бир марта суғоришга бериладиган сув миқдорини Костяков А.Н. куйидаги формуласидан ҳисобланади (12-формула):

$$m = 100 \cdot H \cdot d \cdot (\beta_{\text{нв}} - \beta_0) \quad \text{м}^3/\text{га} \quad (12)$$

бунда: H – ҳисобий ер қатлами, м. d – тупроқнинг умумий зичлиги, $\text{т}/\text{м}^3$

$\beta_{\text{нв}}$ – бу ЧДНС тупроқдаги намликнинг энг кўп миқдори, %.

β_0 – бу суғориш олди тупроқ намликнинг энг кам миқдори, %.

$\beta_0 = (0,6 \div 0,7) \cdot \beta_{\text{нв}}$ – эгатлаб суғоришда.

Экиннинг умумий сув истеъмол қилиш миқдорини А.М.Альпатыев ва С.М.Альпатыевларнинг формуласи ёрдамида аниқланади (13-формула):

$$\sum E = H_o \cdot K_b \cdot K_k, \quad \text{м}^3/\text{га} \quad (13)$$

бунда: K_b – 0,82 биологик коэффициент миқдори, K_k – 0,78 микроклимат коэффициентининг миқдори, Иванов Н.Н. формуласи билан аниқланади (14-формула):

$$E_o = 0,018 \cdot (100 - \alpha) \cdot (25 + t), \quad \text{м}^3/\text{га} \quad (14)$$

Ҳисобий усулда эмпирик коэффициентлар бевосита кузатувлар натижасида аниқланганлиги учун, бу усул аниқроқ деб ҳисобланади. Костяков А.Н. куйидаги аниқлаш формула асосида аниқланди (15-формула):

$$E = K_w \cdot Y, \quad \text{м}^3/\text{га} \quad (15)$$

бунда: E – сув истеъмоли, $\text{м}^3/\text{га}$; K_w – сув истеъмол коэффициенти, $\text{м}^3/\text{т}$;

Y – лойихавий ҳосилдорлик, $\text{т}/\text{га}$.

Бу ҳолда ўсимликнинг алоҳида йиллар ва вегетация даври учун сув истеъмол қийматини аниқ белгилаш заруриятини туғдиради. С.М.Алпатыев ва А.М.Алпатыевлар тавсияси бўйича биоиклим услубида куйидаги формула асосида аниқланди (16-формула):

$$E = K_b \cdot \sum d, \quad \text{м}^3/\text{га} \quad (16)$$

бунда E – сув истеъмоли, $\text{м}^3/\text{га}$ K_b – биологик коэффициент, $\text{мм}/\text{ммб}$;

$\sum d$ – ҳавонинг ўртача кўп йиллик намлик тақчиллиги йиғиндиси, ммб .

Қурғокчил минтақада қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий сув истеъмолини аниқлашда, Иванов Н.Н. буғланишга асосланган формуласидан фойдаланилди (17-формула):

$$E_o = 0,0018 \cdot (25 + t^0)^2 \cdot (100 - a) \cdot 0,8 \quad \text{мм}, \quad (17)$$

бунда: E_o – ойлик буғланиш, мм ; t^0 – ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$;

a – ҳавонинг ўртача ойлик нисбий намлиги мм . $\sum d$ – ҳавонинг ўртача кўп йиллик намлик тақчиллиги йиғиндиси, ммб .

Тадқиқот олиб борилган жойда маҳаллий оқим сувларини тўплаш орқали узумни маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш усули ва суғориш тартибининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда тажриба йилларидаги узумнинг ўртача нархи, узумни етиштиришга кетган барча харажатлар, жумладан маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш усули ўрнатиш ва қўшимча узум ҳосилини териш харажатлари инобатга олинди.

4 – жадвалда келтирилган маълумотларга кўра энг яхши самарадорликка (соф даромад 3889350 сўм/га ва рентабеллик – 50,8%) тажрибанинг 8 – вариантыда, яъни узумзорни маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70–75–65% да, бунда 3–3–3 суғориш схемасида 170 – 200 $\text{м}^3/\text{га}$ суғориш ва 1800 $\text{м}^3/\text{га}$ мавсумий суғориш меъёрлари билан суғорилганда эришилди.

**Узум навларини маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб
суғоришнинг иқтисодий самарадорлиги**

Вар.	Ўртача уч йилликда ялпи хосилдор- лик, т/га	Қўшимча хосил, т/га	Ялпи даромад, сўм/га	Жами харажат- лар, сўм/га	Жумладан, қўшимча хосилни йиғиб олиш харажат- лари, сўм/га	Соф даромад, сўм/га	Рента- беллик, %
ЧДНСга нисбатан 60-65-60 %							
1	13,2	-	7326000	6426050	-	899950	14,0
2	16,5	3,3	9157500	7654650	1328600	1502850	19,6
3	13,4	-	7437000	6426050	-	1010950	15,7
4	17,7	4,3	9823500	7654650	1349700	2168850	28,3
ЧДНСга нисбатан 70-75-65 %							
5	14,7	-	8158500	6426050	-	1732450	27,0
6	19,1	4,4	10600500	7654650	1349805	2945850	38,5
7	15,2	-	8436000	6426050	-	2009950	31,3
8	20,8	5,6	11544000	7654650	1365758	3889350	50,8

ХУЛОСАЛАР

«Қашқадарё вилоятининг тоғ олди минтақаларида узумни маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғоришнинг самарадорлиги» мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1.Тадқиқот олиб борилган тоғ олди минтақаларидаги узумзорларни суғоришда маҳаллий оқим сувларининг шаклланишини замонавий ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш маълумотлари (Landsat-8 космик сурати)дан фойдаланган ҳолда ArGIS дастурида ёрдамида электрон харита ишлаб чиқилди.

2.Тажриба худудининг 2015 йилдан 2018 йилгача космик суратлари йилнинг маълум даврида (Landsat-8) олиниб, ArGIS дастури ёрдамида маҳаллий оқим сувларини шаклланишини таҳлили амалга оширилди (NDSI: Normalized-Difference Snow Index).

3.Тажриба майдонида маҳаллий оқим сувларини шаклланиши жараёнини математик моделлаштиришда ўрганилаётган худуддан келиб чиқиб узок муддатли прогнозлашда қор қоплами баландлиги, атмосфера ёғинлари, ҳаво ҳарорати каби иқлим ўзгаришини тавсифловчи гидрометеорологик катталикларни комплекс характерлайдиган катталик- қор қоплами индексдан фойдаланилди ҳамда Сен-Венан тенгламаси орқали тупроққа сингиш коэффициентларини ўрганилди ва таҳлил қилинди.

4.Сув ўтказувчанлиги қорнинг сув ўтказувчанлигига тескари пропорционалдир – намликнинг тўлиқ сифимига намланганидан кейин ва тортишиш сувининг эркин дренажланишидан кейин қор қоплами ўзини ушлаб тура оладиган ҳар хил шаклдаги энг катта миқдордаги сувнинг тўланишини математик моделлаштириш ўрганишда дифференциал тенгламалар системаси, яъни Эйлер-Коши усули ёрдамида аниқланди.

5. Узумнинг «Қора Кишмиш» навини маҳаллий оқим сувлари билан суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-65-60 фоизда эгатлаб суғорилган назорат вариантыда 2015-2017 йиллар давомида узум боши оғирлиги ўртача 423 граммни ташкил этган бўлса, худди шу суғориш тартибида фақат томчилатиб суғорилганда 452 граммни, узумнинг «Пушти Тойфи» навини юқоридаги суғориш тартибида эгатлаб суғорилганда 402 граммни, худди шу тартибда фақат томчилатиб суғорилганда 410 граммни ёки назорат вариантыга нисбатан 8-29 граммча юқорилиги кузатилди. Шунга ўхшаш маълумотлар «Пушти Тойфи» навини ҳам томчилатиб суғорилганда назорат вариантыга нисбатан 9-25 граммча юқорилиги аниқланди.

6. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир тадқиқот натижаларини ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан изоҳланади. Узумнинг «Қора Кишмиш» навини парваришlash жараёнида эгатлаб суғориш назорат 5 – вариантыни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % тартибдаги узум ҳосили ўртача 14,7 т/га ни, худди шу тартибда узумнинг «Пушти Тойфи» навини назорат ҳосилдорлиги ўртачаси 15,2 т/га ни ташкил этган бўлса, узумнинг «Қора Кишмиш» навини томчилатиб суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % тартибдаги 6-вариантда 19,1 т/га, худди шу тартибда узумнинг «Пушти Тойфи» навини ҳосилдорлиги (8-вариантда) 20,8 т/га ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан томчилатиб суғорилганда ҳар иккала узум навидан 4,4-5,6 тоннага/га қўшимча ҳосил олинганлиги аниқланди.

7. Узумнинг «Қора Кишмиш» навини парваришlash жараёнида маҳаллий оқим сувлари билан эгатлаб суғориш назорат 1-вариантини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-65-60 % тартибда суғорилганда 1 ц узумга сарфланган умумий сув миқдори 185,9 м³/ц, 1 ц узумга сарфланган мавсумий сув миқдори 133,3 м³/ц ни ташкил қилган бўлса, худди шу усулда узумнинг «Пушти Тойфи» навида (назорат 3-варианти)ни бир центнер узумга сарфланган умумий сув миқдори 188,6 м³/ц, 1 ц узумга сарфланган мавсумий сув миқдори 135,3 м³/ц ни ташкил этди. Узумнинг «Қора Кишмиш» навини маҳаллий оқим сувлари билан томчилатиб суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-65-60 % тартибдаги 2-вариантда суғорилганда 1 ц узумга сарфланган умумий сув миқдори 110,8 м³/ц, 1 ц узумга сарфланган мавсумий сув миқдори 67,9 м³/ц ни, худди шу усулда узумнинг «Пушти Тойфи» навида бир центнер узумга сарфланган умумий сув миқдори 105,1 м³/ц, 1 ц узумга сарфланган мавсумий сув меъёрини миқдори 64,4 м³/ц ни ни ташкил этганлиги аниқланди.

8. Маҳаллий оқим сувларни шаклланиши орқали паст босимли томчилатиб суғориш технологиясида суғориш қузури узунлиги 200 м, суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % да ушлаб турилганда, бунда Қора Кишмиш нави бўйича 17324500 сўм/га, Пушти Тойфи нави бўйича эса 20099500 сўм/га ни ташкил этди. Тажрибани варианты бўйича томчилатиб суғориш бунда 3-3-3 суғориш схемасида 200 м³/га суғориш ва ўртача йиллик томчилатиб суғориш 1680 м³/га мавсумий суғориш меъёрлари билан суғорилганда (38893500 сўм/га) энг кўп соф даромад олиш имконияти яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

ЖУМАНОВ АЗАМАТ НОРБУТАЕВИЧ

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ ВИНОГРАДА С
ЛОКАЛЬНЫМ СТОКОМ В ПРЕДГОРЬЯХ КАШКАДАРЬИНСКОЙ
ОБЛАСТИ**

06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4.PhD/T1038.

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiiame.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Исаев Сабиржан Хусанбаевич**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Икрамов Рахимджан Каримович**
доктор технических наук, профессор

Норкулов Усмон
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация: **Каршинский инженерно-экономический институт**

Защита диссертации состоится « 28 » января 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03.30.12.2019.T.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства». (Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кары-Ниязи 39. тел.: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства». (регистрационный номер № 204). (Адрес: 100000, Ташкент, улица Кары Ниязи 39. Тел: (99871) 237-19-45).

Автореферат диссертации разослан « 12 » января 2022 года.
(реестр протокол рассылки № 204 от « 12 » января 2022 года).



Султонов Т.З.

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Гаппаров Ф.А.

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Хамидов М.Х.

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

В то время, когда мировые источники и запасы водных ресурсов сокращаются, использование водосберегающих технологий занимает одну из ведущих мест. Учитывая, что «в мире имеется более 100 миллионов гектаров виноградников, около 60% из которых расположены в предгорных районах», это требует широкого внедрения в практику водосберегающих технологий для орошения садов и виноградников.¹ В связи с этим большое значение имеет широкое внедрение технологий капельного орошения за счет сбора местных стоков при орошении виноградников в предгорных районах.

Во всем мире проводятся научно-исследовательские работы направленные на разработку новых научно-технических решений для технологий и оборудования, которые позволят использовать альтернативные источники воды при выращивании винограда и сэкономить воду для орошения. В связи с этим особое внимание уделяется созданию экономичных способов и устройств орошения, обеспечивающих использование местного стока, образованного снегом и дождем, с учетом ограниченных источников постоянной проточной воды в предгорных зонах. Поэтому важным является определение образования снега и дождевой воды в предгорных районах при помощи ГИС технологий, а также обосновать нормы и режим низконапорного капельного орошения винограда в летнее время за счет сбора воды в искусственных водоемах.

В настоящее время в республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по совершенствованию водосберегающих технологий орошения садов и виноградников местным стоком с целью смягчения негативных последствий нехватки воды при выращивании сельскохозяйственных культур, достижению высоких урожаев винограда за счет эффективного использования водных ресурсов, достигнуты определенные результаты. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи по «...применению интенсивных методов в области сельскохозяйственного производства, прежде всего современных агротехнологий, экономящих водные ресурсы»². Для осуществления данных задач, важным является проведение научных исследований по разработке локализованных методов сбора местных сточных вод и предотвращения нехватки воды при орошении орошаемых земель в предгорных зонах республики.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2019 года за № ПП-4499 «О мерах по расширению механизмов стимулирования внедрения водосберегающих

¹ <https://www.un.org/ru/sections/issues-depth/water/index.html>

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

технологий в сельском хозяйстве»³, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2021 года за № ПП-4995 «О мерах по социально-экономическому развитию территории Бабатаг Узунского района Сурхандарьинской области в 2021 – 2023 годах»⁴, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 11 декабря 2019 года за № ПП-4549 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодоовощеводства и виноградарства, созданию в отрасли цепочки добавленной стоимости»⁵, Указе Президента Республики Узбекистан от 10 июля 2020 года за №-6024 «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020 – 2030 годы», а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование соответствует приоритетному направлению развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По научному обоснованию методов и технологии орошения исследования проводили А.Н.Костяков, С.Ф.Аверьянов, А.А.Рачинский, Қ.М.Мирзажанов, Б.Ф.Камбаров, Ф.М.Рахимбаев, Н.Ф.Беспалов, Г.А. Безбородов, М.Х.Хамидов, Р.К.Икрамов, Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев, А.Исашев, С.Х.Исаев, В.А.Духовный и ряд других ученых.

Исследования по смягчению дефицита воды на орошаемых территориях предгорных районов и выращиванию винограда при рациональном использовании воды проводили В.Х.Арст, А.Ж.Атаков, А.М.Вахобов, Е.Ю.Галиулина, С.С.Зухриддинов, И.К.Кулинич, Н.В.Курапина, В.В.Кудряшова, Д.Е.Кучер, Н.К.Нурматов, С.Е.Нуржанов, Б.Т.Туруспаев, И.Ж.Худаев, А.Ж.Атаканов, М.С.Григорев, О.Е.Ясониди, А.У.Собитов и другие ученые.

